



2020 у. г. « 18 » *сентябрь*

№ *133-к*

Toyloq sh. – г. Тайляк

Туман хокимлиги захира ерлари ҳисобидан Қўшчинор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Мухаммадиев Шохрух бошлиқ фермер хўжалик ташкил қилиш ҳамда ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сонли “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида илоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган низом, Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов қолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом, туман хокимлиги захирасига қайтариб олинган ер майдонлари бўйича фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун танлов ўтказиш комиссиясининг 2020 йил 10 мартдаги 2-сонли йиғилиш баённомасига мувофиқ “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

#### Қ А Р О Р    Қ И Л А М А Н :

1.Туман хокимлиги захирасига олинган ер майдонларида танлов асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш комиссияси томонидан ўтказилган танлов қарорига асосан танловда қолиб деб эълон қилинган Қўшчинор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Мухаммадиев Шохрухга ғаллачилик, сабзавотчилик, пиллачилик йўналишида янгида ташкил этилаётган фермер хўжалигига Қўшчинор массиви ердан фойдаланиш харитасининг 97,98,99,101,104,105,106,107,136,137-контурларидан жами 23.2 гектар, шундан 19.2 гектар сўғориб ҳайдаладиган, 1.4 гектар тутзор, 1.3 гектар ариқ ва зовур, 1.3 гектар йўللاردан иборат ер майдони 37 (ўттиз етти) йил муддатга ижарага берилсин.

2.Белгилаб қўйилсинки, келажакда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун манзилли дастурларни ижросини таъминлаш белгиланганда узок муддатли ижара шартномасига тегишли ўзгартириш киритилишни кўрсатиб ўтилсин.

3.Туман Давлат хизматлар маркази (З.Нуриддинов)га фермер хўжалик Низомини қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олиш ва бу ҳақида тегишли ташкилотларга маълумот бериш топширилсин.

4.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (Ж.Ҳайитов)га Қўшчинор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Мухаммадиев Шохрухга бошлиқ фермер хўжалигига ер майдонини ажратиб бериш, фермер хўжалигига тегишли ҳужжатлар расмийлаштириш ва ушбу фаолиятини, ажратилган ер участкасидан тўғри мақсадда фойдаланишни назорат қилиб бориш ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 53-моддасида кўрсатилган талабларни бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5.Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи (Ш.Шарипов)га фуқаро Мухаммадиев Шохрухга бошлиқ фермер хўжалигига бюджет билан бўлган ҳисоб китобларни белгилаб бериш ва қонунда белгиланган тартибда солиқ ундирилишини назоратга олиш юклатилсин.

6.Ушбу қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

7.Ушбу қарорни тасдиқлаш Самарқанд вилояти хокимида қўралсин.

Туман хокими



Б.Бабоназаров